Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zenergota'minlash" AJ
Объявление
"O'ZENERGOTA'MINLASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАР

“O’ZENERGOTA’MINLASH” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 12 август санасида жойлаштирилган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар техник хатолик туфайли қайта жойлаштирилмоқда.

“O’ZENERGOTA’MINLASH” акциядорлик жамияти 2022 йил 7 сентябрь куни соат 11:00 да “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонасининг интернет тармоғи орқали онлайн режимда масофадан туриб ўтказишга ва овоз беришга мўлжалланган “eVOTE - Электрон овоз бериш” хизматидан фойдаланган холда “O’ZENERGOTA’MINLASH” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларни *(уларнинг вакилларини)* рўйхатга олиш соат 10:00 дан – 11:00 гача “eVOTE - Электрон овоз бериш” сервис тизими орқали амалга оширилсин.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3. “O’ZENERGOTA’MINLASH” акциядорлик жамиятини “ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARIGA” акциядорлик жамиятига қўшиб олиш йўли билан жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида.

4. Қўшиб олиш шартномасини тасдиқлаш тўғрисида.

5. Топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида.

6. Акциядорларнинг талабномаси асосида акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиш жараёнида “O’ZENERGOTA’MINLASH” акциядорлик жамиятининг 1 *(бир)* дона имтиёзли ва 1 *(бир)* дона оддий акцияларининг қийматини тасдиқлаш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг реестрларини шакллантириш саналари:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 11 август 2022 йил;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 30 август 2022 йил.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича ахборотлар *(материаллар)* бўйича Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар, Ипакчилик кўчаси, 3 манзили бўйича мурожат қилиниши мумкин.

Жамият акциядорларида овоз бериш натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунига мувофиқ жамият акцияларни қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин.

Жамиятнинг оддий акцияларни сотиб олиш нархи 17 575 сўмни, имтиёзли акцияларни сотиб олиш нархи 2 628,65 сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг акцияларини сотиб олиш нархи акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини маълум қиламиз. Телефон: +99855 501-30-30

Жамият электрон почта манзили: info@uzet.uz

24.08.2022